



Ўзбек хон, унвони – Султон Гиёсиддин Мухаммад (тахминан 1283-1341) — 1313-йилдан Олтин Ўрда хони; Мангу-Темурнинг ўнинчи ўгли Тогрулнинг (Тогрулжая, Тогрулчи) ўгли; хон Тўхтанинг жияни. Унинг даврида ислом дини Олтин Ўрда давлат дини сифатида тан олинган. Ўзбек рус князликларида ўз ҳокимиятини мустаҳкамлашда айникса фаол бўлди, синглиси Кончакани Москва князи Юрий Даниловичга турмушга берди. Тверь князлари билан курашда Москвага ҳомийлик килди. Ўзбекнинг ҳукмронлик даврида князликларнинг йигилиши Юрийнинг укаси Иван Калита бошчилиги остида бошланди, бу охир-оқибатда Москва князлиги (кейинчалик Буюк), сўнгра бутун Залесье Олтин Ўрда хонлиги фукаролигидан чикиб кетишига олиб келди.

14-15-асрлардаги кўплаб араб-форс муаллифлари Ўзбекхон (араб/форс ابوبکر بن تغلق) хақида давлат арбоби ва шахс сифатида ёзганлар. 1333 йилда у билан шахсий мулоқот қилиш бахтига муяссар бўлган Ибн Баттута хонга энг юқори баҳо берди: «У дунёнинг энг буюк ва энг қудратли шохлари бўлган етти шохдан биридир» Тарихчи-солномачи ал-Муфаддал: «...Бу кўриниши келишган, зўр феъл-атворли, ажойиб мусулмон, жасур ва гайратли йигит»

Географ ва тарихчи ал-Айний:

«У мард ва жасур, диндор ва такводор, ҳуқуқшуносларни ҳурмат қилган, олимларни севган, уларни [насихатларини] тинглаган, ишонган, уларга раҳм-шафкатли бўлган, шайхларни зиёрат қилган ва уларга меҳр-мурувват кўрсатган инсон эди».

Ал-Бирзали, масалан, шундай деб ёзган:

«Бу подшоҳ (Тўхта) вафот этгач, ундан кейин ўттиз ёшлар чамасидаги Ўзбекхон ҳукмронлик қилди. У ислом динига эътиқод қилган ва ўзининг ақл-заковати, чиройли кўриниши ва қомати билан ажралиб турарди». Яна бир ўринда: «чиройли кўринишли, зўр ҳуққли, зўр мусулмон ва жасур йигит».

Аз-Заҳабий ҳам у ҳақида шунга ўхшаш руҳда ёзади:

«...ботир қаҳрамон, кўриниши келишган, кўп амир ва сەҳрғарларни йўқ қилган мусулмон» Ўзбекхонга дўстона муносабатда бўлганликда гумон қилиб бўлмайдиган ҳулоғий тарихчиси Вассоф ҳам у ҳақида қатта мактов билан гапиради:

"Такводор шахзода Ўзбек – у Мангу-Темурнинг ўғли Тўқтайнинг ўғли Тўғлуқнинг ўғли, илоҳий эътиқод ва шохона улугворлик соҳиби".

Ўзбек номи асли туркий бўлиб, Яқин Шарқда Чингизхон юришларидан олдин ҳам тилга олинган. Бу исм Усама ибн Мункизда (вафоти 1188 йил) "Ибрат китоби"да учрайди; муаллиф салжукийлар даврида Эронда содир бўлган воқеаларни тасвирлар экан, 1115-1116 йиллардаги Хамадон ҳукмдори Бурсук кўшинлари бошлиқларидан бири "кўшинлар амири" Ўзбек – Мосул ҳукмдори бўлганлигини таъкидлайди. Рашидиддин ёзишича, Табризда ҳукмронлик қилган туркий илдегизийлар сулоласининг сўнгги вақилининг исми Ўзбек Музаффар (1210-1225) эди.

Ҳокимият тепасига келиши ва Ислом динининг ўрнатилиши

Ўзбекхон Хон Насриддин Тўхтанинг жияни ва Хон Мангу-Темурнинг набираси эди. Насриддин Тўхта хоннинг ўғли Иксор (Илбасар, Илбасмиш) қудратли амир Кадак ҳомийлигида хон деб эълон қилинди, Кадакнинг ўзи эса бош вазир бўлди. Аммо 1313 йилнинг январида Ўзбек марҳум хон Тўхтанинг қариндошларига тасалли сўз айтиш учун бекларбек Қутлуг Темур билан бирга Урганчдан келиб, Иксор ва Кадакни ўлдиради. Шундан сўнг Қутлуг Темур ва отасининг рафикаси Баялун кўмагида Ўзбек Олтин Ўрда ҳокимиятини қўлга киритдилар.

«Тарих-и шайх Увейс»да ёзилишича:

...Ўрда амири Кадак тахтга Тўхтанинг ўғли Илбасмишни ўтказмоқчи эди, лекин Хоразмдан Ўзбек ва Қутлуг Темур келиб, иккаласини ҳам ўлдиришди.

1313 йил январда Ўзбекхон тахтга ўтирди. Ва факат 1320 (1321) йилда у Арслон боб Занги-Ота ва унинг вориси Саид-Ота авлодидан расман Исломни қабул қилди. Арслон боб туркий қабилалар орасида йирик сўфий ва мафқурачи Аҳмад Яссавийнинг устози

бўлган.

XV асрда битилган «Шажарат ал-атрак» (Туркийлар шажараси) асарининг исми маълум бўлмаган муаллифи шундай деб ёзади:

хон тахтига ўтирганидан сўнг 8 йил охиригача бутун умрини бутун эл ва улуси билан шимолий (орка) Дашти Кипчок мамлакатларида ўтказди, чунки унга ўша ўлкалар (сув ва хавоси) ва бу ерда овнинг (овладидиган ёввойи кушлар) кўплиги ёкарди. Султонлиги бошланганига 8 йил ўтгач, шайхлар ва мусулмонларнинг мукаддас шайхи, дунё кутби, авлиё Занги ота ва олий унвонларга эга бўлган энг улуг сайид, Оламлар Парвардигорига ихлос йўлида адашганларга йўл кўрсатувчи, сарсон-саргардонлар сардори ва изловчиларнинг йўлбошчиси, авлиё Сайид Ота, Занги Отанинг вориси раҳнамолигида, у (Ўзбек) туркий товук йилига тўғри келадиган хижрий 720 йил ойларида (12 II 1320—30 I 1321) исломни қабул қилиш шарафига сазовор бўлди.

Хон бўлган Ўзбек Кутлуг-Темурнинг кистови билан ислом динини қабул қилди (Симеон йилномасига кўра: «сел на царстве и обесерменился») ва Мухаммад исмини олди.

Исломни давлат дини сифатида жорий этишга уриниш Ўрда зодагонларининг қаршилигига учради. Муҳолифат етакчилари Тунгуз, Таз ва Сарой амири Кутлуг Темур Ўзбек хонга шундай дедилар:

"Сиз биздан камтарлик ва итоаткорликни қутинг, лекин бизнинг динимиз ва эътиқодимиз билан ишингиз бўлмасин, Чингизхон қонуни ва низомидан қандай воз кечиб, арабларнинг эътиқодига қирамиз?"

Тарихчи Рашидиддин хон тахтини эгаллаш учун Ўзбекхонни зиёфатда ўлдирмокчи бўлган чингизий мўгул амирларининг уриниши ҳақида шундай ёзади:

Шу мақсадда улар (чингизий мўгул амирлари) уни йўқ қилиш мақсадида зиёфат уюштирдилар. Ўзбек зиёфатга келганида, амирларнинг режасидан яширинча хабар берган Кутлук Темур унга кўзи билан ишора қилди.

Ўзбек (хавфдан) шубҳаланиб, бир эҳтиёжни қондириш баҳонасида туриб кетди. Ўша амир (Кутлуг-Темур) унга эргашиб, нима қилишга қелишиб олганликларини айтди. Ўзбек дарров отига миниб, жўнаб кетди ва қўшин йигиб (улар устидан) ғалаба қозонди.

Чингизхон уругидан бўлган 120 шахзода билан Тўктой ўғлини ўлдириб, уни оғохлантирган амирга тўлик эътибор ва ғамхўрлик кўрсатади. Бу Дашти Кипчок ва Хоразм вилоятларида узок вақт амир сифатида ҳукмронлик қилган (ўша) Кутлуг Темурдир.

Ўзбек Жўчихон салтанати тахтида подшоҳ бўлиб, қудратли ҳукмдорга айланди. Ўзбек ташқи ғўзаллик, одоб-ахлоқ ва диндорлик, ислом динини мустаҳкамлаш, яхшиликни мукамал билиш нуктаи назаридан қомилликни ўзида мужассам этган шахзода эди. Шундай қилиб, Ўзбек хон бир неча мўгул амирлари уни зиёфат чоғида ўлдирмокчи бўлганидан хабар топиб, хоннинг ҳаётига суиқасд қилгани учун 120 нафар чингизий амирларни қатл этади. Ўзбекхон 120 нафар Чингизий мўгул амирларини эътиқод масаласида эмас, балки мўгул амирлари Ўзбекхонни ағдариб, тахтини эгаллаш учун зиёфат пайтида заҳарламокчи бўлганлари учун ўлдирган. Хоннинг ҳаётига суиқасд учун 120 нафар чингизий қатл этилди.

Ўзбекхон ҳокимиятни ўз қўлида мустаҳкам ушлаб, чекка ҳудудлардаги барча айирмачилик руҳидаги норозиликларни шафқатсизларча бостирди. У Россиядаги босқинчиликни тугатиб, ўлпон йигиш ва уни Ўрдага юбориш ҳуқуқини рус князларига берди.

Ўзбек хон Ўрдадаги ички низоларни бартараф этишга ва унинг юксалишига эришди.

14-аср бошларида хон катта маъмурий-худудий ислохот ўтказиб, империя худудини 70 туманга бўлиб, улар хон томонидан тайинланган улус амирлари (улусбеклар) бошчилигидаги ўнта йирик улус-вилоятларга бирлаштирилди. Ок Ўрда худудида ислохот ўтказган Ўзбек Хон Кўк Ўрда худудида ҳам янги тизим жорий этишга ҳаракат қилди. Ўзбекхон ҳукмронлиги Олтин Ўрданинг энг олий ҳокимият даврига айланди. Бу давр маданий юксалиш ва кенг камровли шаҳарсозлик билан ажралиб турди. Унинг даврида янги пойтахт - Сарой ал-Жадид қурилди. Хон савдони ривожлантиришга катта эътибор берган. Карвон йўллари нафакат хавфсиз бўлди, балки ободонлаштирилди. Ўрда Гарбий Европа, Кичик Осиё, Миср, Хиндистон ва Хитой мамлакатлари билан савдо-сотик олиб борди.

Ўзбек Хон ҳузурига ташриф буюрган Ибн Баттута у ерда факат туркий сўзларни эшитган. Саройнинг аёл ходимларидан улу хотун ва кучук хотун, яъни катта-кичик хотинлар тилга олинади. Хоннинг ўзи сайидлардан бўлган рухий устозини туркий "ота" сўзи билан атаган. Мусулмонлар ибодатида ҳам туркий тилдан фойдаланилган; Азак шаҳрида Ибн Баттута ҳузурида воиз араб тилида хутба ўқиб, султон (яъни Ўзбекхон), амир (Азак амираи келиб чиқиши хоразмлик эди) ва ўша ерда ҳозир бўлганлар учун дуо қилган, сўнг нутқини туркий тилга таржима қилган.

Рус князлари билан муносабатлари

1317 йилда Ўзбек хон ўз синглиси Кончакани Москва князи Юрий Даниловичга турмушга бериб, унинг православликни қабул қилишига руҳсат берди, бу эса князга Михаил Ярославич Твер билан буюк салтанат учун курашда хоннинг ёрдамини олиш имконини берди. Ўзбек Хон Юрийга Кавгадий бошчилигидаги Ўрда отрядини берди, аммо Михаил Ярославич Бортен жангида бирлашган Москва-татар кўшинини мағлуб этди.

Кончаканинг Тверда асирликда қутилмаганда ўлими Юрийга Михаилни Ўзбек олдида уни захарлаганликда айблашига асос бўлди. Михаил Тверской Ўрдага чақирилди ва бу ерда Кавгадийнинг нафрати оқибатида Ўзбекнинг буйруги билан ўлдирилди.

«Бу подшоҳ Ўзбек даврида унинг буйруги билан Ўрдада бешта буюк рус князлари ўлдирилди: Буюк князь Михайло Ярославич Тверской ва унинг икки ўғли - Буюк князь Дмитрий Михайлович ва унинг укаси Буюк князь Александр Михайлович, Буюк князь Василий Рязанский, Буюк князь Иван Ярославич Рязанский; ва унга ўлка князлари: князь Александр Новоселский, буюк князь Михаил Ярославич Тверскойнинг набираси князь Фёдор Александрович ва князь Фёдор Иванович Стародубский. Худди шу подшоҳ Ўзбек даврида ҳудожўй ва буюк князь Юрий Данилович Московский Ўрда подшоҳи Ўзбекнинг буйругисиз Буюк князь Дмитрий Михайлович Тверской томонидан ўлдирилган. Хаммаси бўлиб подшоҳ Ўзбек томонидан Ўрдада буюк князлар ва ўлка князларидан тўққиз киши ўлдирилди» — солномадан олинди.

Тверда ҳукмронлик қилган Михаил Тверскойнинг ўғли Александр 1327 йилдаги кўзголонда қатнашган Москва князи Иван Калита билан курашда давом эттирди, унда тверликлар Ўрда элчиси Шелканни ва унинг бутун мулозимларини ўлдирди. Ўзбекхон қотилликдан хабар топгач, газабланиб, Москва князини чақиртиради. Бошқа манбаларга

кўра, Калита Твер вокеасидан фойдаланишга шошилиб, Ўрдага ўзи кетган. Ўзбек унга князлик килишга ёрлик ва 50 минг кўшин берди. 1327 йилда Калита татар ва Суздал отрядлари билан Твер армиясини мағлуб этди, кўзголонни шафкатсизларча бостирди ва Твер князлигини хонавайрон қилди. Шундан сўнг Ўзбек Шимолий-Шаркий Руснинг (Буюк Владимир князлиги) асосий ҳудудини иккига бўлиб, бир қисмини Иван Калитага, иккинчисини пойтахт Владимир билан бирга кўзга кўринмаган Суздал князи Александр Василевични тахтга ўтказди, унинг ўлиmidан кейин 1331 йилда Калита яна Ўрдага борди ва бутун князлик учун ёрлик олди.

Александр Михайлович Тверской Ўзбек Хоннинг газабидан кўркиб, Буюк Литва князлигига қочиб кетди. 1337-йилда унинг ўзи хон хузурига келиб, раҳм-шафкат сўради. Князнинг мардона нутқи Ўзбек Хонга ёқди ва уни кечирди. Аммо 1339 йил 29 октябрда Калитанинг фитналари билан Александр ва унинг ўғли Федор Ўзбекнинг буйруғи билан оғрикли ўлимга ҳукм қилинди.

1340-йилда Ўзбек ўлпон тўлашни истамаган Смоленск князи Иван Александровичга кўшин юборди ва Смоленск князлиги вайрон қилинди.

Ташки сиёсати

Ўзбекхон анча фаол ташки сиёсат юритганига қарамай, унинг даврида давлат ҳудуди ўзгармади. Хон Польша қироллиги Галиция-Волин князлигини эгаллашига йўл қўймасликка ҳаракат қилди. 1337 йилда бирлашган рус-ўрда армияси Лублинга қарши юриш қилди. Кейин галициялик бояр Дмитрий Дедконинг илтимосига кўра Ўзбек Буюк Казимир III га қарши 40 минг кишилик кўшин юборади, лекин у Вистула бўйида мағлубиятга учрайди.

Жўчийларнинг анъанавий сиёсати асосида ҳаракат қилишда давом этган Ўзбекхон Кавказорти ҳудудлари – хулағуийлар мулкига даъвогарлик қилди. 1318/1319, 1325 ва 1335 йилларда Ўрда кўшинлари Ширвон ва Арронга бостириб қиришди, аммо сезиларли муваффақиятга эриша олмадилар. Беклярбек Кутлуг-Темур хулағуийлар билан уруш савдо-сотикка ва Ўрданинг ички барқарорлигига путур етказишидан кўркиб, урушга қарши чиқди.

Ўзбекхон Византия, Хиндистон ва Ғарбий Европа давлатлари билан дипломатик алоқада бўлган. Миср мамлуклари билан алоқалар тикланди. Хон Византия императори Андроник II билан сулолавий никоҳга қирди, унинг кизига уйланди, шунингдек, Миср султони ан-Носир Муҳаммад билан оилавий иттифок тузди ва унга жиёни малика Тулунбайни берди. Тўғри, султон тез орада у билан ажрашди, Ўзбекнинг (737/1336-1337 йилларда) Султоннинг қизларидан бирини турмушга бериш илтимосига ан-Носир жавоб берди қизлари хали ёш деб жавоб берди. Шунга қарамай, Султон ан-Носир қотиби Ибн Фадлуллоҳ ал-Умарий таъқидлаганидек, ҳар икки мусулмон давлати ўртасидаги муносабатлар жуда яқин ва дўстона бўлиб қолди.

Ўзбек хон бир қанча вақт Византия билан яхши муносабатда бўлди. Бирок, Андроник II ҳукмронлигининг охирида бу муносабатлар кескин ёмонлашди. Тахминан 1320-1324 йилларда Ўзбекхон кўшинлари Фракияга бостириб қириб, уни яна талон-тароғ қилади.

Ўзбекхон 1341-йилда вафот этганидан кейин Олтин Ўрдадаги хокимият киска муддатга унинг ўгли Тинибекка ўтади.

Абу Муслим тайёрлади